

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил май ойининг 7 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг кассация инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: В.Сиддиков,

ҳайъат судьялари: Б.Хайдаров ва А.Омоновдан иборат таркибда, Т.Ибрагимовнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори С.Эрматов ва ҳимоячи XXXXнинг иштирокида, XXXXга оид жиноят ишини унинг кассация шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 16 декабрдаги ҳукмига кўра:

19XXX йил X сентябрда Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, судланмаган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, ишламаган, Қўқон шаҳар, “XXX” МФЙ, XXXX кўчаси, XX-уйда яшаган, қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган XXXX

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509^б-моддасига асосан, суд мажлиси жазони ижро этиш муассасасида бўлган XXXXнинг иштирокисиз ўтказилди.

Суднинг ҳукмига кўра, XXXX 2024 йил 1 август куни соат 10³⁰ лар чамасида фуқаро XXXXнинг бошқарувидаги “Спарк” русумли, XXXX давлат рақамли автомашинада Қўқон шаҳар, Фитрат кўчаси, 6-уйга келиб, ушбу хонадонда яшовчи таниши (жиноят ишини унга нисбатан қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс)дан “гашиш” гиёҳвандлик моддасини сотиб олиб, қонунга хилоф равишда эгаллаб, Қўқон шаҳар, Янгиобод МФЙ, А.Т.Хўқандий мавзесидаги 53-сонли кўп қаватли уй олдида ҳаракатланиб кетаётганида, Қўқон шаҳар ИИБ ТҚХ ЖҚБ ва ДХХ Қўқон шаҳар бўлими ходимлари томонидан олинган тезкор маълумотларга асосан автомашина тўхтатилиб, унинг ёни ва автомашина кўздан кечирилганида, судланувчи XXXX ўтириб кетаётган ўнг томон олд ўриндик ва эшик орасида сариқ рангли целлофан пакетга ўралган 499,25 (тўрт юз тўқсон тўққиз бутун юздан йигирма беш) грамм кўп миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда ташиб келаётгани аниқланган.

Судланган XXXX кассация шикоятида, қилмишига иқрор ва пушаймонлиги, оилавий шароитини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, енгиллик беришни сўраган.



Судлов хайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси А.Омоновнинг маърузасини, прокурор С.Эрматовни суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, химоячи ХХХХнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, ХХХХнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини химоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар - судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги, ўзининг айбига қисман иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳ ХХХХ, А.Баходиров, Ғ.Мухторов ва Х.Акрамованинг суддаги кўрсатувлари, тинтув, ашёларни олиш баённомалар, суд-кимёвий, суд-наркологик экспертизаси хулосалари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланган ХХХХга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги, ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандидаги, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга қўлланилиши ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, айбига қисман иқроорлиги, муқаддам судланмагани, оилавий шароитини эътиборга олиш билан бир қаторда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, қонунга хилоф равишда муомала қилинган гиёҳвандлик моддаси тури ва миқдорини инобатга олиб, у айбланган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, адолатли хулосага келган.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди, ХХХХ томонидан оғир жиноят содир этилгани ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини назарда тутиб, унинг енгиллик бериш ҳақидаги важлари билан келишмади.

Суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар аниқланмади.

ЖПКнинг 509⁹-моддасида, кассация инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, кассация тартибида берилган шикоятни, протестни эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.



Шунга кўра, кассация инстанцияси суди, ХХХХга оид суд ҳукми моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлиги аниқланганлиги сабабли, ҳукми ўзгаришсиз, унинг кассация шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 509⁹, 509¹⁰-моддаларига асосланиб, кассация инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

ХХХХга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 16 декабрдаги ҳукми ўзгаришсиз, унинг кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Кассация инстанцияси судининг ажрими устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи	/имзо/	В.Сиддиков
Ҳайъат судьялари	/имзо/	Б.Хайдаров
	/имзо/	А.Омонов
Ажрим нусхаси аслига тўғри, вилоят суди судьяси		А.Омонов

